

Ётоқ мебел махсулотлари етказиб бериш учун

1 -сонли Ш А Р Т Н О М А

Андижон т.

“18” *Ноебрь* 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи “Андижон кишлок хўжалиги ва агротехнологиялар институти” номидан К.Комилов биринчи томондан ва иккинчи томондан Низом асосида иш юритувчи, “Бажарувчи” деб аталувчи “ZIYO MEBELLAR OLAMI” ОК номидан Ф.Хурбоев Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” Андижон кишлок хўжалиги ва агротехнологиялар институти учун зарурий бўлган 60 500 000 (Олтмиш миллион беш юз минг) сўмлик ётоқ мебел махсулотлари етказиб беришни “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Қиймати (ҚҚС сиз) | Жами суммаси |
|-------------|---|---------------|------|-------------------|-------------------|
| 1 | 2 ярусли кровать мебель темир каркаслик. Ўлчами $h=170\text{см}$, $L=208\text{см}$, $эши=85\text{см}$ металл $50*50*2\text{мм}$ | дона | 25 | 2 420 000 | 60 500 000 |
| ЖАМИ | | | | | 60 500 000 |

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартнома баҳоси (ҚҚС сиз) **60 500 000** (Олтмиш миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.2 “Буюртмачи” 10 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг **30%** миқдориди **18 150 000** (Ўн саккиз миллион бир юз эллик минг) сўм аванс тўловини амалга оширади. Шартнома тўлик бажарилгандан сўнг қабул қилиш далолатномаси ёки ҳисоб-варақ фактурага асосан қолган **70%** яъни **42 350 000** (Қирк икки миллион уч юз эллик минг) сўм маблағ ўтказилиб берилади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” махсулотлар намуналарини комиссия аъзоларига тақдим қилишни ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” махсулотларни тайёрлашда “Бажарувчи”нинг сўрови асосида иш тутиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, махсулотларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ етказиб берилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

4. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

4.1. Шартнома шартлари бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлмаслиги учун тегишли чораларни кўради.

5. Қўшимча шартлар

5.1. “Бажарувчи” махсулотларни муддатидан олдин етказиб берган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

5.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

5.5. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ва “Бажарувчи” томонидан маҳсулотлар етказиб берилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш “Буюртмачи”ни тўловнинг кечикиши ёки маҳсулотларнинг асосиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

5.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

5.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Ҳазначилик Бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«БАЖАРУВЧИ»

«ZIYO MEVELLAR OLAMI» OK

Манзил: Андижон вилояти, Андижон тумани, Айрилиш, Ҳовуз бўйи

Банк: “Hamkorbank” АТБ амалиёт бошқармаси

х/р: 20208000805412145001

Стир: 306866943

МФО: 00083

ОКОНХ:

Раҳбар:

Ф.Хурбоев

«БУЮРТМАЧИ»

Андижон кишлок хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Манзил: Андижон тумани, Олийгоҳ кўчаси.

1.

Банк: O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi

х/р: 400910860032037094100082001

Стир: 200258091

МФО: 00014

ОКОНХ:

Раҳбар:

К.Комилов



Юриспрудент А.Буюртмачи